

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШ, ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ, БУЗИШ МАҚСАДИДА ҲАР ҚАНДАЙ УРИНИШЛАР, АНИҚЛАНГАН ҲОМИЙЛИК ҲОЛАТЛАРИГА НИСБАТАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 29-sentabr • Seshanba • 116 (30.077) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Фракция фаолияти

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИНГ

хукукий асослари мустаҳкамланмоқда



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Аҳоли орасида микронутриент етишмовчили-

нинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа мазмун-моҳияти, мақсадлари юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Жамалия Ниёзова изоҳ берди. Таъкидландики, қонун

лоийҳаси Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги қарори билан тасдиқланган 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий камол топган авлодни вояга етказиш бўйича амалга оши-


рилаётган ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Овқатланиш бузилишининг олдини олиш аҳоли саломатлиги муаммоларини енчишда устувор йўналишлардан биридир. Мик-

ронутриентлар (инсон организми соғлом ва меъёрида ривожланиши учун зарур барча витаминлар) етишмовчилиги унинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Микронутриентлар етишмовчилиги бу микронутриентларнинг озик-овқат билан инсон организмига етарлича тушмаслигидир. Оқибат ҳам қайта тикланадиган функционал бузилишларга, ҳам жиддий касалликларга олиб келади. Микронутриентлар танқислиги 80 фоиз ҳолатда барча касалликларнинг сабабчиси ҳисобланади. Инсон ҳаётига хавф солиши ва жиддий салбий оқибатларга олиб келиши сабабли темир, йод ва А витамини сингари макронутриентлар танқислигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда Оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш ва тарғиб қилиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Ҳукумат томонидан бугдой уни микронутриентлар билан бойитиш орқали микронутриентлар танқислигининг олдини олишни назарда тутувчи Унни бойитиш миллий дастури амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Эътироф

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китоби М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетиде ўтган илмий-амалий конференцияда яна бир бор эътироф этилди.



ҲАМ АМАЛИЙ, ҲАМ НАЗАРИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ҳозирги глобаллашув даврида Ер юзи яхлит бир вужудга айланди. Шундай вужудки, унинг биронта аъзосида хасталик пайдо бўлса, таъсирини бутун Ер шарини ўзида ҳис этади. Жаҳонда ҳукм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз бунинг яққол мисолидир. Барча давлатлар молиявий ва иқтисодий ҳамкорлик ришталари билан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли, жаҳоннинг бир қитъасида, муайян бир давлатда юз берган молиявий-иқтисодий бўҳрон барчани бирдек ўз таъсирига олмақда. Ҳозир ҳамма бир ўй, бир муаммо — инқироз гирдобидан қандай қилиб чиқиш мумкин, деган фикр билан яшамоқда. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида бу масала бўйича илгари сурилган гоё ва таклифларга дунё жамоатчилиги тобора кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Китоб қисқа вақт ичида ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинди. Тошкентда шу йилнинг 22 май кунини Президентимиз китобида баён этилган қоид ва ҳулосалар ҳамда ислохотлар-

нинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланадиган миллий иқтисодиётни шакллантириш юзасидан халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Унда дунёнинг 60 мамлакатидан ҳамда 30 та халқаро ташкилот ва молия институтларидан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнес вакиллари ва дипломатлар, олимлар ҳамда экспертлар иштирок этишди. Конференция қатнашчилари Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, яъни ўзбек модели ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўзини оқлаганини алоҳида таъкидлашди. Халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари, олимлар ва тадбиркорлар Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича чоралар ўз вақтида қабул қилингани, бу эса жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига мустаҳкам тўсиқ бўлганини юқори баҳолашди.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Кунни кеча Навоий шаҳри марказидаги «Сугдиёна» уйингоҳида «Мустақиллик ёшларини ҳеч қандай ёт гоё, ҳеч қандай куч енга олмайди» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди. Кечада шаҳардаги таълим муассасаларида тахсил олаётган минглаб ёшлар иштирок этди. Форумни Навоий шаҳар ҳокими Б.Жўраев кириш сўзи билан очар экан, ёшларимиз ҳар бир жабҳада фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Форумда «ЎзХДПда ёш сиёсати — 2009» кўрик-танловининг Республика босқичида фахрли 2-уринни қўлга киритган Р. Хайитов шаҳар ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбахо совғаси билан тақдирланди. Вилоят санъат аҳли ҳамда иқтидорли ёшлар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар, рақслар иштирокчиларни ватанпарварлик ва бирдамлик гоғлари атрофида янада жипслашишга чорлади. Навоий шаҳар ҳокимлиги, ЎзХДП

шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган форум ёшларга ҳақиқий байрам кайфиятини улашди. Шунингдек, форум давомида ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Обод маҳалла — 2009» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Танлов натижасига кўра, «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, «Тинчлик» маҳалласи иккинчи, «Зарафшон» маҳалласи жамоаси эса учинчи ўринга муносиб топилди. «Энг обод ширкат» номинациясида «Нуробод Гулшани» ва «Муҳлиса Ла-тофат қизи» ширкатлари ғолибликни қўлга киритиб, Фахрий ёрлик ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Фирдавс ШИРИНОВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар
кенгаши раиси ўринбосари.

Соғлом она — соғлом бола

Мутахасссларнинг таъкидлашича, генитал эндометриоз хасталиги замонавий гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Бу хасталик ўз вақтида аниқланиб, самарали даволанмаса, бемор вужудда оғир асоратлар қолдириши ва репродуктив саломатликка жиддий таҳдид туғдириши мумкин.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган репродуктив саломатлиқнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Германиянинг «Байер шеринг фарма» фармацевтика компаниясининг мамлакатимиздаги таъкидланган ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари ҳамда Миср ва Россиядан келган мутахассслар иштирок этди. Республика иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология

илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Султонов аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида устувор ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофиза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Хушхабар!

ДИЛШОД — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ!

Даниянинг Хернинг шаҳрида етмишдан зиёд мамлакатнинг энг кучли полвонлари иштирокида ўтказилган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов кумуш медалга сазовор бўлди.

Д.Орипов 2001 йил юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган. Бу галги жаҳон чемпионатида ҳам олтин килограмм вазн тоифасида гиламга чиқиб, саралаш беллашувларида польшалик Эдуард Барсенжин, беларуслик Дмитрий Аленский, туркиялик Сомер Суку ва озарбойжонлик Виталий Раҳимовни мағлуб этди. Ўзбекистонлик курашчи ҳал қилувчи финал беллашувида Россия вакили Исламбек Албиевга имкониятни бой берди ва шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олди.


Умуман олганда, Даниядаги жаҳон чемпионати ўзбекистонлик курашчилар учун омадли яқунланди. Д.Ориповдан ташқари эркин кураш беллашувларида қатнашган Заурбек Соҳиев олтин, Дилшод Мансуров эса бронза медал билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ, ЎЗА мухбири.

ЎзХДП фаоллари

2

АЁЛГА АТАЛГАН
ГУЛЛАР



УЧ МАРТА
САММИТ
ЎТКАЗИЛДИ

3



«TOSHKENT
OPEN»НИНГ
СОВРИНДОРАРИ

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида изчил ислохотлар олиб борилаёпти. Жиний жазо тизимини либераллаштириш ва конституциявий одил судловни такомиллаштириш жараёнлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур ислохотлардан қўзланган асосий мақсад фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир. Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини тўла рўёбга чиқариш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосларини мустақамлашни адвокатура институтисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, адвокатура одилликнинг қарор топиши, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Малакали ҳуқуқий ёрдам ўз соҳасининг мутахассиси бўлган шахслар, яъни адвокатлар томонидан кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу мақсадда адвокатуранинг фаолияти кучайтирилди. Жумладан, 1996 йил 27 декабрда «Адвокатура тўғрисида», 1998 йил 25 декабрда эса «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонулар қабул қилинди. Мазкур қонуларга кўра, адвокатнинг дахлсизлиги, фаолиятининг кафолатлари ва бошқа қатор муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратилди.

Ушбу ислохотларнинг манткий давоми сифатида 2008 йил 1 майда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатуранинг фаолиятини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга биноан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган адвокатуранинг самарали



МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

олишда вакиллик институти муҳим аҳамиятга эга

Узини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига мувофиқ, ҳар қандай фуқаролик ишда қатнашувчи шахснинг, яъни даъвогар ёки жавобгарнинг ёхуд учинчи шахснинг вакили сифатида адвокатлардан ташқари бошқа ҳар қандай шахснинг, у юридик маълумотга эга ёки эга эмаслигидан, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича лицензияси йўқлигидан қатъи назар, фуқаролик ишларида иштирок этишига рухсат берилар эди. Бунинг натижасида ҳар доним ҳам фуқаролар малакали юридик ёрдам ололмас, уларнинг бундай конституцион ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмас эди. Бу ҳолат албатта фуқароларимизни

Конституция ва бошқа қонуларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларининг тўлиқ ҳимояланмаслигига сабаб бўлар эди.

Адвокатура институти ислох қилингани муносабати билан ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг тергов ва суд ишларида иштирок этишига имкон бермайдиган тарафлар валамлиги институту босқичма-босқич такомиллаштирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Мазкур Қонун Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқуллаб, шу йилнинг

11 сентябрида қучга кирди.

Мазкур қонун фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, адвокатура институтининг мақоми ва ролини ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди. Вакиллик институти турли тузилмалар, юридик маълумотга ҳамда юридик хизматлар кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахслар билан алмаштириш, фуқароларнинг ишончини сунистьемол қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишга йўл қўядиган шароитни бартараф этиш имконини яратди. Фуқароларга шартнома бўйича вакил бўла оладиган шахслар белгиланди.

ташкilotларнинг ваколатли вакиллари фақат шу ташкilotларнинг ишлари бўйича вакил бўла олишлари мумкин. Бу вакиллар ҳам бошқа фуқароларнинг ишларида ваколатли вакил сифатида иштирок эта олмайд.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра, ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахснинг вакили сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла олади.


Судда вакил сифатида профессионал иш юритиш фаолияти билан фақат адвокатлар шугулланишлари мумкинлигини инобатга олган ҳолда, таъкидлаб ўтиш лозимки, суд томонидан фуқаролик суди ишларида қатнашишга вакил сифатида рухсат берилган шахслар фақат шу шахснинг фуқаролик судида кўриб чиқилаётган иш бўйича вакил бўла олиши мумкин. Бу вакил бошқа фуқароларнинг ишларида вакил сифатида иштирок эта олмайд.

Адвокатлар фуқаролар билан шартнома тузиб, судга ордер тақдим қилган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда барча фуқаролик ишларида ҳеч қандай чекловларсиз иштирок этишлари мумкин. Бу юридик шахсларнинг фуқаролик иш бўладилми ёки фуқаролар ўртасидаги низо бўладими, бундан қатъи назар, адвокат профессионал касб эгаси сифатида фуқаролик судида кўрилатган барча фуқаролик ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Демак, суд томонидан вакил сифатида фуқаролик суд ишларида қатнашишга рухсат берилган шахслар ўзларига вакилликни профессионал касб қилиб олишлари мумкин эмас. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари ҳам шунга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Машқура САФАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҲАМ АМАЛИЙ, НАЗАРИЙ ҚЎЛЛАНМА



Халқаро илмий-амалий конференцияда билдирилган фикр-мулоҳазаларни яқинда «Ўзбекистон» нашриёти рус ва инглиз тилларида китоб ҳолида нашрдан чиқарди. Россия Федерациясида бўлиб ўтган «Ўрта ва кичик бизнес, таълим — ижтимоий самара» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам Президентимиз

асарида кўтарилган ғояларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ҳамда Тошкентда ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда қилинган маърузалар тўпламининг тақдимот маросими ўтказилди. Унда Москва Давлат университети таъсис этган халқаро интеллектуал клуб аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Муҳаммадали Саидов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабаблари, уни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ғоялар ва амалий хулосалар ҳақида маълумот берди. Президентимиз асари ҳамда халқаро конференция маърузалар тўплами М.В.Ломоносов номи Москва Давлат университети Бош кутубхонасига тақдим қилинди.

М.В. Ломоносов номи Москва Давлат университети ректори, Россия ректорлар уюшмаси Президенти, Россия Фанлар Академияси вице-президенти, академик В.А.САДОВНИЧИЙ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобига халқаро миқёсда эътибор кундан-кунга ортиб бораётгани, дунёдаги энг кучли иқтисодчилар, сиёсатчилар ва олимлар китобининг аҳамиятини юксак баҳолаётганини таъкидлади. Жумладан, бугунги кунда китоб АҚШ, Россия Федерацияси, Франция ва бошқа йirik мамлакатларда чоп этилганини қайд этди.

— Президент Ислом Каримов асарига ҳозирги инқироздан кам йўқотишлар билан чиқиш йўллари назарий жиҳатдан асослаб берилган, айни чоғда Ўзбекистон мисолида бунинг амалий натижалари таҳлил этилган, деди В.А.Садовничий.

Ўзбекистон халқининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, кучли ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, шунга қаратилган тараққийнинг стратегик йўналиши китобда аниқ кўрсатиб берилган. Президент Ислом Каримовнинг ушбу китобда баён этилган инқирозга қарши чораларнинг аниқ ва реаллиги, қишлоқ аҳолисини иш билан банд этиш, ишлаб чиқаришни кўтариш, оилавий даромадни ошириш, деҳқончиликни ривожлантириш ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш каби чора-тадбирлари ҳаётий аҳамияти билан, айниқса, қимматлидир.

Хулоса қилиб шунга айтиш жонзки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобиде кўтарилган ғоялардан олий ўқув юртлирида яратиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришда кенг фойдаланиш лозим.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИНГ

ҳуқуқий асослари мустақамланмоқда



Юқоридагиларни эътиборга олсак, ушбу қонун қабул қилинишининг аҳамияти яна бир бор ойдинлашади.

Мамлакатимизда бойитилган озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, олиб кириш, олиб чиқиш, сотиш ва фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий асосларни яратиш ушбу қонуннинг асосий мақсади ҳисобланади. Қонуннинг қабул қилиниши билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом бўлишида ва мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда микронутриент этишмовчиликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, темир моддаси, фоллий кислотаси танқислигини қискартириш бўйича эришилган натижаларнинг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, микронутриентлар танқислигига қарши курашни давом эттириш учун ҳуқуқий асос яратилади. Пировардида буларнинг барчаси республикада иж-

тимоий ва иқтисодий фаровонликка хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари ушбу қонуннинг қабул қилиниши халқимиз, айниқса, партия электорати учун ниҳоятда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Шу билан бирга, лойиҳада қатор камчиликлар борлиги айтилди. Унга қўшимча моддалар киритиш, айрим моддаларни мақсаддан келиб чиқиб кенгайтириш ва чуқурроқ очиб бериш, хориждан кириб келаётган озик-овқат маҳсулотларига талабларни аниқлаштириш, бошқа қонунларга ҳавола этилган нормаларни камайитириш, қонуннинг номи юзасидан аниқ тақлифларини ўртага ташладилар.

Фракция қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида лойиҳа устида жиддий иш олиб бориш зарур, деган қарорга келди.

— Раҳбарлик лавозимига кўтарилган аёл билан турмуш кечиршига

— Шаҳодат, аввало, юксак мукофот муборак бўлсин. Хушxabарни эшитганда, кўнглингиздан нималар кечди?

— Рости, ниҳоятда ҳаяжонландим. Ҳозир ҳам туйғуларимни сўз билан ифодалаш қийин. Юксак мукофотга муносиб кўрганлари учун миннатдорман. Президентимиз хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётга фаол аралаштирилари, оналаримизнинг саломатлиги, соғлом авлод камолоти борасида алоҳида ғамхўрлик қилиб келади. Раҳбаримизнинг 2004 йил 25 майдаги «Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги алоҳида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларини оласизми, юксак минбарлардан айтган фикрларини хаёлдан ўтказасизми, ҳаммасида жамиятда аёлнинг ўрни, ижтимоий фаолиги, маънавий камолоти ҳақида ҳаёт сингари яшовчан мулоҳазалар, йўл-йўриқлар ўз аксини толган.

Бу бежиз эмас. Мустақиллик йилларида ўзбек аёли, қизларимиз, опансингилларимиз чинакам билим олиш, ўзлигини намоев қилиш, соғлом фарзанд кўриш ва камолга етказиш борасида катта имкониятларга эга бўлдилар. Туманимизда турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилаётган, тадбиркорлик билан шугулланётган, эл хурматига сазовор бўлаётган фаол аёлларимиз жуда кўп.

— Раҳбарлик лавозимига кўтарилган аёл билан турмуш кечиршига

АЁЛГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Президентимиз Фармони билан мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустақамлаш, маданий юксалишга, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшгани учун мукофотланган юртдошларимиз орасида Шаҳрисабз туман ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитасининг раиси Шаҳодат Асланова ҳам бор. У «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Шаҳодат Асланова партияимиздан туман кенгаши депутатлигига сайланган. Унга бир нечта савол билан муурожаат қилдик.

ҳар қандай эркак қидолмайди. Бундан ташқари, мартаба аёлининг фельдаторини ўзгартириб юбориши мумкин...

— Бу саволга жавобни ўз оилам ҳақида гапиришдан бошлай қолай. Турмуш ўртоғим Баҳодир Шавриков харбий. Бир-биримизни ниҳоятда ҳурмат қиламиз. Мени, ишимни яхши тушунадилар. Уч нафар фарзанди бирга улғайтирдик.

Энди, бир мисолни айтлай. Дадам ўқитувчи эдилар. Бизларни ўқитиш учун ёзги таътил пайтида ҳам ёшлар оромгоҳларига боҳириб ишларди. Ойим ҳовлида парранда боқарди. Ёшиқдан ҳаммамиз меҳнатга ўрганганимиз. Мен Москвада, институтда ўқиб юрган пайтимада таржимонлик қилиб, тўрт-беш сўм тоқдим. Оилада ниҳоятда аҳилмиз. Ёшиқдан ўрганган эмасманми, ишдан қайтган, барча юмушларни бажаришга улгураман. Ҳам оилани, ҳам хизмат вазифасини эплаётган аёллар анчагина. Масалан, илгор фермер Назира Худойқулвани, Тўдамайдон

ЎзХДП фаоллари

қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Эшонқулвани олайлик. Улар ҳам фарзанд устириб, ҳам жамоат ишларини қойил қилиб бажаришга эришди. Уларнинг ҳаёти, қилаётган ишлари кўпчилик учун иборат.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш чиндан ҳам долзарб масала. Чунки худудий бандлик дастурида ҳам кўпроқ уйларда ўтирган аёлларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Бундан бир неча йил бурун Тошкентдаги «Ифбатли келин» ўқув маркази Шаҳрисабзда филиалини очиб истагини билдирган эди. Шароит яратиб бердик. Ҳозир бу жойда ҳар йили 500-600 хотин-қиз тивувчилик, каштадўзлик, қандолатчилик, сартарошлик ва бошқа касбларни ўрганиб чиқишга эришди. Ҳомийларимиз 110 та тивув машинаси олиб беришган эди, уйларда қасаначиликни ташкил қил-

дик. Умуман, уйларда меҳнат қилаётган қасаначилар 1000 дан ошиқ. Бу ҳали оз. Ҳаракат бор жойда, натижа ҳам бўлади.

— Сиз партиямиздан сайланган депутатсиз. Олдинда эса сайланган турибди. Нималар қилдик, нималар эътибордан четда қолди?

— Туман кенгашига 30 депутат сайланган бўлса, яримдан кўпи ЎзХДП аъзоларидир. Мен оила, аёл ва ёшлар, ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссиясига раҳбарлик қилиб келдим. Олайлик, мактабларимизда 52 минг ўқувчи таълим олаётган бўлса, уларнинг тенг ярми қизлар. Коллеж ва лицейларимизда 8 минг нафарга яқин қизларимиз илм ва касб ўрганишга эришди. Ёшлар тарбияси, мактаб, тарбия муассасалари билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш доимий комиссиямиз йиғилишларида ўрганиб чиқилган.

Сессияларга баъзи масалалар киритилган. Бирок ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг конференциясида бизнинг депутатлик гуруҳимиз фаолияти ҳақида айрим танқидий фикрлар билдирилди. Бундан сабоқ чиқариб олишимиз керак. Нега? Туман кенгашига сайланган депутатларимизнинг барчаси ҳам фаоллик кўрсатган эмас. Баъзиларида топширилган масалаларни ўрганиш борасида малака етишмаганлиги ҳам аён бўлиб қолди. Бўлажак сайловларда ташаббус кўрсата оладиган, у ёки бу масалалар, худудий дастурлар тузишда малакаси, билим ва салоҳияти етарли номзодларни танлаб олиш керак. Депутатнинг одамлар орасида обрў эътибори баробарида, жонкуярлиги, ўзгалар дардига бепарво эмаслиги, ташкilotчиликни қаби фазилатларни ҳисобга олиш лозим.

Ҳали «Аёллар қандай тухфаларни хуш кўради, гуллими?», деб сўрадингиз. Менимча, аёлларга берилаётган совгаларнинг катта-кичиги, арзон-қиммати йўқ. Гул — тенгсиз тухфа. Энг муҳими бу ҳам эмас. Эътибор, меҳр, савдоқат... Ана шулар аёлга аталган ҳаёт гулларидир.

Сўзбедош: Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Асли КАМОЛ

СПОРТ SPORT SPORT SPORT

МИСР ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА



Шу кунларда футбол бўйича ёшлар ўртасида XVII жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Мусобақанинг «Д» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки турда Африка чемпиони — Гана футболчиларига қарши майдонга чиқди.

Уйин кескин ва юқори суръатда кечди. Айниқса, жисмоний жиҳатдан анча кучли бўлган ганалик футболчилар тезкорлиги сезилиб турди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси биринчи бўлимда рақибнинг ҳужумларига қарши орқа чизкида ишончли ҳимояланди. Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқаларида эса Шерзодбек Каримовнинг фаол ҳаракатлариға қарши ҳисобни очигина муваффақ бўлинди — 1:0. Шундан кейин Гана футболчиларининг

ҳужумлари янада жиддий кўриниш олди. Улар Санжар Қувватов дарвозаси олдида бир қатор хавфли вазиятларни содир эта бошлади. Бу ҳужумлар охир-оқибат ўз мевасини бермай қолмади. Рансфорд Осейи (60) ва Доминик Адийеа (75) Гана терма жамоасига ғалаба келтирувчи голларни киритди — 1:2.

Мазкур ўйинда бош мураббий Аҳмаджон Убайдуллаев куйидаги таркибни майдонга туширди: Санжар Қувватов,

Шерзод Аъзамов, Дилёрбек Эрматов, Мурод Холмухамедов, Ислоом Тўхтажўяев, Суннатилла Мамадалиев (Санъат Шихов, 72), Фулом Урунов, Шерзодбек Каримов, Ойбек Қиличев (Сардор Мирзаев, 78), Жасур Хасанов, Кенжа Тўраев (Даврон Мирзаев, 67).

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Уругвай ёшлар терма жамоаси англиялик тенгдошлари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашув тақдирини ҳал қилган ягона тўпни 84-дақиқада Табаре Виуде киритди.

Кеча иккинчи тур ўйинлари бошланди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳдаги навбатдаги ўйинни бугун Уругвай вакиллариға қарши ўтказди. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эса Англия — Гана

ёшлар терма жамоалари майдонга тушадилар. Жаҳон чемпионати биринчи туридан жой олган бошқа ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди: «А» гуруҳи. Миср — Тринидад ва Тобаго — 4:1, Парагвай — Италия — 0:0.

«В» гуруҳи. Испания — Таити — 8:0, Нигерия — Венесуэла — 0:1.

«С» гуруҳи. АКШ — Германия — 0:3, Камерун — Жаңубий Корея — 2:0.

«Е» гуруҳи. Бразилия — Коста-Рика — 5:0, Чехия — Австралия — 2:1.

«F» гуруҳи. Бирлашган Араб Амирликлари — Жанубий Африка Республикаси — 2:2, Гондурас — Венгрия — 3:0.

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида бир ҳафта давом этган Sony Ericsson WTA Tour туркумига кирувчи «Tashkent open» халқаро турнири ўз ниҳоясига етди. Юртимизда ўн биринчи мартаба ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмадан зиёд давлатидан ташриф буюрган энг сара теннисчилар голиблик учун баҳс юритдилар.

«TASHKENT OPEN»НИНГ СОВРИНДОРЛАРИ



қўлга киритди — 7/6, 6/2.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нуфузи йилдан йил ортиб бораётган бу мусобақа юртимизда тенниснинг янада оммавийлашуви ҳамда кўплаб иқтидорли ракеткачиларни кашф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хабарингиз бор, 2000 йилда ҳамюртимиз

Илгари хабар қилганимиздек, иқтидорли теннисчимиз Оқул Омонмуродова мусобақа чорак финалига йўлланма олганди. Ҳамюртимиз ушбу босқичда швейцариялик Стефана Фогелга қарши кортга чиқиб, ўзининг муваффақиятли юришини давом эттирди — 6/1, 6/4.

Қуръага кўра, Оқул ярим финалда турнирнинг биринчи ракеткачиси Ярослава Шведова билан баҳс юритди. Учрашувда Оқул Омонмуродова катта қийинчилик билан ғалаба қозониб (6/4, 7/6), бундан тўрт йил аввал эришган натижасини такрорлашининг улдасидан чиқди. Ярим финалнинг иккинчи баҳсида беларуслик Ольга Говорцова — Шахар Пеер (Исроил) жуфтлиги ўзаро рўбарў келди. Унда исроиллик теннис устаси зафар кучиб, финал йўлланмасини

Ирода Тўлаганова турнир голиблигини қўлга киритган эди. Оқул Омонмуродова мусобақа финалчиси бўлганди.

Маҳоратли теннисчимиз бу галги баҳсларда ҳам барча учрашувларни муваффақиятли якунлаб, финалда бош соврин учун кортга чиқди. Аммо ҳал қилувчи учрашувда ҳамюртимиздан яна омад юз ўғирди. Оқул исроиллик Шахар Пеерга қарши кечган баҳснинг икки сетидан ҳам имкониятини бой берди — 3/6, 4/6.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Шахар Пеерга бош соврин, Оқул Омонмуродовага махсус соврин тантанали равишда топширилди.

Эркин ХОЛБОБО

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ ГОЛИБЛАРИ

спорт тури ихлосмандлари сони кун сайин кўпайиб бормоқда, — дейди ангрелик мураббий Қаҳрамон Сатторов. — Ўзбекистон кубоги учрашувларида ўн етти нафар шогирдим медаллар учун кураш олим борди. Эътиборлиси, улардан ўн икки нафари голиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди. Ситора Нишонов (50 кг.), Достон Сатторов (30 кг.), Сарвар Исомиддинов (25 кг.), Мадина Эргашева (75

кг.) шахсий беллашувларда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаллар билан тақдирланди.

Мурасииз ўтган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида 27 та олтин, 10 та кумуш ҳамда 4 та бронза медалига сазовор бўлган Бухоро вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Суратда: бухоролик ёш спортчилар ўз мураббийлари Комилжон Шукуров билан.



Пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мажмуида ўзбек жанг санъати бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди. — Юртимизда тобора оммалашиб бораётган мазкур

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» MCHJ ochiq aukcion savdolariga taklif etadi

- Toshkent shahri, Mirobod tumani, Xamal ko'chasi, 29- uydа joylashgan "Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti" tasarrufidagi o'lita: 1. 1996 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AW 088 bo'lgan "Daewoo DV 15 t" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 13 000 000 so'm. Zakalat 2 600 000 so'm. 2. 1996 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AW 110 bo'lgan "Daewoo DV15 t" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 10 000 000 so'm. Zakalat 2 000 000 so'm. 3. 1996 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AW 087 bo'lgan "Daewoo DV15 t" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 9 000 000 so'm. Zakalat 1 800 000 so'm. 4. 1997 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AI 094 bo'lgan "Daewoo 15 t" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 13 000 000 so'm. Zakalat 2 600 000 so'm. 5. 1995 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AW 085 bo'lgan "Daewoo DV 365 t" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 9 000 000 so'm. Zakalat 1 800 000 so'm. 6. 1995 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AW 105 bo'lgan "Daewoo DV15 t" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 13 000 000 so'm. Zakalat 2 600 000 so'm. Shuningdek, Toshkent shahri, Xamza tumani, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 70-uyda joylashgan "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi"

tasarrufidagi ikkita: 1. 1995 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AK 018 bo'lgan "Damas" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 3 700 000 so'm. Zakalat 740 000 so'm. 2. 1997 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AA 888 bo'lgan "Damas" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 3 635 000 so'm. Zakalat 727 000 so'm. Aukcion savdolari 2009 yil 3 noyabr kuni coat 15-00da boshlanadi. Sotilmagan obektlar 2009 yilning har seshanba kunlari o'tkaziladigan savdolariga sotilgunga qadar qo'yiladi. Savdolarida qatnashish uchun yuqoridagi ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal aukcion markazi» MCHJ ning AIKB Ipak Yo'li dagi MFO 00444, STIR 300053338, 20208000104555055002 sonli hisob raqamiga o'matligan tartibda to'lanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval to'xtatiladi. Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlar yuklatiladi. Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, M-14, 19-uy. Aloqa telefoni: 244-88-03, 244-88-04. Elektron pochta: aukcion@bk.ru. Guvohnoma: № 001568 - 09

Қишлоқларимиз тарихи

Кўхна Бухоронинг ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётида шаҳарнинг теварак атрофида жойлашган қишлоқлар ҳам муҳим ўрин тутган. Уларнинг ҳар бири савдо-сотик, ҳунармандчилик ва ўзига хос маданий марказ мақомига эга бўлган. «Бухоро тарихи» номи асар муаллифи ҳам ана шундай кентлар — Тавонис, Афсона, Искажкат, Ромитан, Вардонзе ва Зандона қишлоқларини алоҳида тилга олиб ўтади.

«ЗАНДОНАЧИ»НИНГ ЖАҲОНИЙ ДОВРУҒИ

Қадимдаёқ тарихчи олимлар, саёхатчилар ва ҳатто саркардалар эътиборини ўзига жалб этган Зандона қишлоғи ҳақидаги дастлабки маълумотлар тарихий-жўроғий асар «Худуд ул-олам»да келтирилган. Унда қишлоқ Дандўна, Зандўна ва Зандона каби номлар билан аталган. Афсуски, бу кентнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ тарихий маълумотлар учрамайди. Фақатгина афсона ва ривоятлар мавжуд, холос.

Манбаларда Бухоронинг шимолидаги бу мўъжаз қишлоқ Канпирак деворининг ичкари-сида жойлашганлиги ҳамда шаҳар билан орасидаги масофа 4 фарсаҳни ташкил этганлиги қайд қилинади. Вобқент дарёси эса Зандона ва Ромитанни сув билан ташминлаган.

Араблар Бухорога бостириб келганда дастлаб Пойкенд, Ромитан ва Шофирконни қўлга киритиб, сўнгра Зандонага йўл олади. Қишлоқ аҳли уларга бас кела олмас-да, қаттиқ қаршилик кўрсатган. Саркарда Кутайба ибн Муслим лашкарлари билан зандоналиклар ўртасида қаттиқ жанглар бўлади. Бироқ куч жиҳатидан устун бўлган душманининг қўли балан келади. Улар аҳолининг кўп қисмини асир олиб, қишлоқ тепаликларидagi горларнинг бирига банди этади. Кейинроқ эса бу асирларнинг ҳаммаси маҳв этилади.

XII асрда яратилган тарихий асарларда қайд этилишича, бу даврга келиб Зандонада аҳоли яна гавжумлашади. Бу ерда мустаҳкам қалъа ва йирик бозор пайдо бўлади. Шунингдек, улкан масжиди жомеъ ҳам қад кўтарди. Зандона қишлоғини бутун жаҳонга машҳур қилган илк ўрта асрлардан бошлаб бу ерда тўқиб чиқарилган нақшкор бадиий базалик мато — «зандоначи»дир. Бу ҳақда «Бухоро тарихи»да шундай дейилади: «Бу қишлоқда тўқиб чиқариладиган нарса — бўзи «зандонийчи», яъни Зандона қишлоқидан чиқадиган деб атайдилар. Бу ерда у ҳам яхши, ҳам кўп бўлади. Шу хил бўздан Бухоронинг кўп қишлоқларида тўқийдилар ва буни ҳам «зандонийчи» деб атайдилар. Чунки у аввало шу қишлоқда тўқиб чиқарилган».

Дарҳақиқат «зандоначи» ўз даврининг энг сифатли матоси деб тан олинган. Дастлаб у муркаб кўп қаторли дастгоҳда ипақдан тўқилган. Х асрдан эса ип газлама сифатида шурат қозонган. «Бухоро тарихи»да муаллиф уни Шарқда парча (зар ип аралаштириб тўқилган қалин ипақ мато, кимшонинг бир тури) билан тенг қимматга эга бўлган ип газламалар қаторида тилга олади. Мато асосан жонли мавжудотлар тасвири, шунингдек, ўсимликсимон ва ҳандавий нақшлар билан безатилган. Ҳатто айрим манбаларда «зандоначи»га ер ва бошқа сайёраларнинг айланма шаклидаги нақшли тасвири туширилганлиги қайд қилинган.

Кейинчалик Вардонзе, Искажкат, Ромитан, Афсона сингари Бухоронинг кўплаб қишлоқларида ҳам тўқиб чиқарилган бундай газламалар,

сохиқирон бобомиз Мовароуннаҳрда ҳали ҳокимиятни эгаллашмасидан олдин опаси ва бошқа яқинларини хавфсиз жой сифатида Зандонада қолдирганлиги ҳам тасдиқлайди. 1920 йилларда эва Зандона қишлоғи қизил аскарларга қарши истиклолчилик ҳаракатининг Бухородаги марказларидан бирига айланади. Зандоналиклар ўз қишлоқларининг шонли ўтмиши, бутун дунёга

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! КВАРТИРНО-ЭКСПЛУАТАЦИОННОЕ УПРАВЛЕНИЕ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ по объекту: Инженерные сети ВС и бурение скважины. Военный городок «Кызылкия» Сохского района Ферганской области на условиях СМР. Стартовая стоимость заказчика — 82323,68 тысяч сум без НДС и 98788,416 сум с НДС. Срок завершения строительства: 50 дней. Заказчик: Квартирно-эксплуатационное управление Министерства обороны Республики Узбекистан, расположенный в городе Ташкенте по улице Университетская, дом 1, тел: 260-38-35, 260-50-80. Финансирование осуществляется за счет Госбюджетных средств. Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: наличие лицензии для работы на военных объектах, иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора. При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождены от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму налога. Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов Ферганской областной территориальной консалтинговой центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по адресу: город Фергана, ул.К.Рахимова, дом 2-а, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76. Стоимость одного комплекта документов — 60000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу. Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт. Вскрытие оферт состоит не менее чем через 10 дней после опубликования объявления в здании СЕЗИК, по адресу: г. Фергана, ул. К.Рахимова, дом 2-а.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afvor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Musiliddin MUHIDDINOV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV MUJASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI BO'LIMLAR: Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17 VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 223-06-02 Gulistonda — 25-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 226-43-43 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 35-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780 MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Navbatchi: Bardamбек SA'DULLAYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 849 8239 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'zA yakuni — 20.20 Topshirilgan vaqti — 23.00 1 2 3 5 6 7 8 Sotuvda orlik narxda